



Анвар ХУДОЁРОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси, PhD

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Бугунги кунда халқаро туризм индустрияси жаҳонда хизматлар соҳасида динамик тарзда ривожланиб келаётган тармоқлардан бири ҳисобланади. Жаҳон туристик ташкилотининг маълумотларига кўра, бугун дунёдаги қарийб 50% туристик ташрифлар асосан АҚШ, Испания, Франция, Хитой, Италия, Германия, Буюк Британия, Швейцария, Туркия, Саудия Арабистони каби нуфузли халқаро туристик ҳудудларга тўғри келиб, дунёдаги бошқа бой туристик салоҳиятга эга ҳудудлар, жумладан, Ўзбекистон қолган 50% халқаро сайёҳлар учун ўзаро рақобатли кураш олиб боришларига тўғри келади. Сўнгги 20 йил ичида дунё бўйича хорижий туристлар сонининг йиллик ўсиш суръати ўртача 5,1%, туризмдан келадиган даромад, яъни валюта тушумлари эса ўртача 14% дан ошиб бормоқда. Жаҳон иқтисодиётида туризм индустриясининг аҳамияти тобора ортиб бориши, аввало, унинг миллий иқтисодиётлардаги улушининг кўпайиши билан изоҳланмоқда. Яъни туризм соҳасининг рақобат устунликларини ошириш учун соҳанинг ривожланиши йўлида рақобатбардошликнинг инновацион шаклини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Республикамизда 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси барча соҳани қамраб олгани билан аҳамиятлидир. Чунки унда ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳамда ма-

даний-гуманитар соҳалар юзасидан билдирган фикрлар ўз ифодасини топган. Мамлакатимизда халқаро туризм индустриясини ривожлантиришда зиёрат туризмининг ўрни ва аҳамияти жуда муҳим ҳисобланади. Соҳанинг ривожланиши учун давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатда унга берилаётган эътибор ҳар жиҳатдан муҳимлигини амалий натижалар кўрсатмоқда. Ўзбекистон ўзининг бой маданий ва маънавий мероси, меъморий ва тасвирий санъати, тарихий обидалари билан ҳамда Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Яссавий, Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Абу Исо Термизий, Мирзо Улуғбек, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур каби кўплаб дунёга машҳур ва буюк аждодларимиз билан дунё олимлари ва сайёҳларини ўзига жалб этиб келмоқда. Бу ўз навбатида халқаро туризм бозорларидаги ўзимизга хос ўрнимиз ва нуфузимизни кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, республикамизда зиёрат туризмни ривожлантириш борасида дастлабки яқдил қадам ташланди. Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан Ўзбекистонда илк бор 2019 йил 21-23 февраль кунлари Бухоро шаҳрида Зиёрат туризми бўйича биринчи халқаро форум ўтказилди. Форум доирасида Малайзия муфтийси Перлис Моҳд Асри бин Зайнул Абидин Ўзбекистоннинг фахрий зиёрат туризм элчиси этиб

белгиланди. Йил давомида Ўзбекистонга жаҳоннинг 70 га яқин мамлакатидан икки миллионга яқин сайёҳлар ташриф буюради. Бу кўрсаткични 5 миллионга етказиш салоҳиятимизни қанчалик тарғиб қилишимизга тўғридан тўғри боғлиқ. Малайзия, Индонезия ва бошқа бир қатор мусулмон мамлакатлари сайёҳларини зиёрат туризми бўйича Ўзбекистонга жалб қилиш мақсадида соҳа вакиллари билан келишувлар йўлга қўйилса мамлакатимиз халқаро туризми индустриясининг ривожланишига туртки бўлади ҳамда юртимиз иқтисодиёти учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда халқаро туризмнинг янада ривожланишида зиёрат туризми инфратузилмаларини, логистик хизматларни такомиллаштириш, халқаро талаблар доирасига келтириш бугунги кундаги муҳим вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Бугунги кунда жаҳон иқтисодиёти тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, сайёҳлик соҳаси мамлакатларнинг иқтисодий ўсишига, экспорт салоҳиятининг ўсиши натижасида валюта тушумларининг ортиши ҳамда тўлов балансларининг ижобий ўзгаришига, янги иш жойларининг яратилиши орқали аҳолининг турмуш даражасининг кўтарилишида муҳим омил сифатида кузатиш мумкин. Туризм индустриясини, жумладан зиёрат туризмининг ривожлантириш мақсадида республикада айрим мамлакатларга виза тартибини соддалаштириш, ушбу давлатларнинг фуқароларига имтиёзли ва махсус зиёрат туризми дастурларини тақдир этиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК билан ҳамкорликда Туркия, Малайзия, Индонезия, Сингапур ва бошқа мамлакатлардан Ўзбекистон Республикасидаги муқаддас қадамжоларга зиёрат туризми йўналишидаги сайёҳларни жалб қилиш бўйича ишларни фаоллаштириш, бу борада керакли реклама тадбирларини ўтказиш, логистика, чартер рейсларни ташкил этиш билан иш самарадорлигини оширган бўлар эдик. Туризм индустриясига Ўзбекистонда мутахассислар тайёрлаб беришни жадаллаштириш ва ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Ўзбекистон халқаро ислом академиясида магистратура бўлимининг “Туризм (зиёрат туризми)” йўналиши, “Ислом иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар” факультетининг “Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат туризми” кафедраси ҳамда “Замонавий ахборот коммуникация технологиялари” кафедраси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Халқаро туризм” факультетининг “Туризм ва сервис” кафедраси, Бухоро Давлат университе-

тининг “Туризм” кафедраси, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ижодий фаолият олиб бораётганлиги эътиборга сазовор. Барчамизга маълумки, туризм бизнеси субъектлари ўз маҳсулотини миқдорларга самарали етказмоқчи бўлса, албатта замонавий ахборот коммуникация технологиялари усулларида фойдаланиши керак. Бизнес вакилларининг ўз интернет сайтлари, ижтимоий медида ёки саёҳат қилувчилар орасида машҳур йирик онлайн платформалар, хусусан Booking.com, TripAdvisor, Expedia, Cheapair каби ёндашишнинг яққол мисоли бўлади. Ахир фойдаланувчиларнинг интернет кенгликларида қолдирадиган фикрлари, ўзларига кўрсатилган хизматга берадиган баҳолари асосида шаклландиган рейтинглар сифатли маҳсулот тақдир этувчи компаниялар учун ҳаққоний реклама, жамоатчилик билан алоқа ўрнатиш механизми бўлиб хизмат қилади. Республикада туризм индустрияси, жумладан зиёрат туризмнинг ривожланиши учун давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатда унга берилаётган эътибор ҳар жиҳатдан муҳимлигини амалий натижалар кўрсатмоқда. Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев 2019 йил 14 апрель куни Ўзбекистонга илк давлат ташрифини амалга оширди. «Ўзбекистонда Қозоғистон йили нафақат икки томонлама муносабатларимизда, балки бутун Марказий Осиёда ўзаро англашув ва ишонч муҳитини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этувчи ўзига хос улкан ҳодисадир. Мен мамлакатларимизнинг нафақат туркий, балки бутун жаҳон маданияти дурдонаси бўлган бош маънавий ва тарихий марказларини ўзаро боғлашни тақдир этаман. Туркистон, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини бир йўналиш орқали туташтирган ҳолда туризм кластерини очиш мумкин, деб ҳисоблайман», – деди Тоқаев. 2002 – 2018 йиллар таҳлили шуни кўрсатадики, чет эллик фуқароларнинг Ўзбекистонга ташрифи бу даврда 14,5 марта ёки 2002 йилдаги 442,1 минг кишидан 2018 йилда 6433,0 минг кишигача ортган. 2017 йилда 2847,9 минг кишини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилда 2,3 мартага ортган¹. Бу ижобий ўзгаришлар мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирларнинг қисқа муддатдаги самарасини англатади. Бугунги кунда Ўзбекистон туризм индустриясининг ўсиш суръатларини ривожланган мамлакатлар билан солиштирганда, албатта, бу кўрсаткич нисбатан анча паст ҳисобланади. Юқоридаги йўналишлар билан бир

¹ “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати (2018 йил январь-декабрь)” йиллик статистик тўплами. – Т., 2019.

қаторда республикамизнинг табиий, иқтисодий ва тарихий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда туризмнинг турли шакллари ривожлантириш зарурияти кўзга ташланмоқда. Таъкидлаш жоизки, Бирлашган Миллатлар Жаҳон Сайёҳлик Ташкилоти (United Nations World Tourism Organization (UNWTO)) маълумотларига кўра, бутун жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 10,4% и (2017 йилда унинг ҳажми 8,3 трлн. АҚШ долларига тенг бўлди), дунёдаги инвестицияларнинг 7% и, солиқ тушумларининг 5% и, жаҳондаги истеъмолчилик харажатларининг 11% и ва ҳар 16 та янги яратилаётган иш ўринларининг биттаси айнан туризм ва меҳмондўстлик индустриясининг ҳиссасига тўғри келмоқда. Мазкур тармоқда аҳолининг иш билан бандлик даражаси 2016 йилга нисбатан 103% га ўсди ва 2017 йилда туризм ва сайёҳлик соҳасида бевосита 118,4 миллион киши (жаҳондаги умумий бандларнинг 3,8%) иш билан банд бўлган бўлса, билвосита (туризмга хизмат кўрсатадиган тармоқлар билан бирга) 313,2 миллион киши фаолият кўрсатмоқда². Юртимиз бетақдор, ажойиб тарихий архитектура ёдгорликлари, ширин-шакар мевалари, хилма-хил миллий таомлари, ажойиб миллий анъаналари, урф-одатларига эга бўлган меҳмондўст халқига эга. Мамлакатимизда жами 7,4 минг маданий мерос объектлари мавжуд, улардан 209 таси тўртта музей шаҳарлар – Хива шаҳридаги Ичан-қалъа, Бухоро шаҳрининг тарихий маркази, Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий маркази, Самарқанд шаҳри ҳудудида жойлашган бўлиб, ЮНЕСКО бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган³. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги маълумотларига кўра йил давомида Ўзбекистонга жаҳоннинг 70 га яқин мамлакатидан икки миллионга яқин сайёҳлар ташриф буюради. Ушбу миқдорни 5 миллионга етказиш салоҳиятимизни қанчалик тарғиб қилишимизга боғлиқдир. Ўзбекистон туризм индустрияси жадал ривожланиши учун қисқа муддатда энг қулай шарт-шароит, иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий муҳит яратиш, жумладан, соҳада хусусий секторнинг устувор иштирокини таъминлаш асосий вазифа ҳисобланади⁴. Ушбу шаҳарларда жойлашган муқаддас қадамжолар, авлиёлар ва уламоларнинг мақбаралари, қадимий масжид ва мадрасалар, муқад-

дас қўлёзмаларни кўрсатиш туризм салоҳиятини яхшилашга туртки бўлиши турган гап. Зиёрат туризми нафақат иқтисодий ривожланишга, балки аҳоли бандлигини таъминлашга, турмуш даражасини оширишга хизмат қилади. Жаҳонда 1,6 миллиарддан ортиқ мусулмонлар бўлиб, дунёнинг деярли барча минтақасида мусулмонлар яшайди. Индонезия (260 млн.), Малайзия (32 млн.), Покистон (150 млн.) сингари мамлакатларнинг фуқароларини зиёрат туризмга жалб этиш Ўзбекистон учун улкан имкониятдир. Шундай экан, мамлакатимиз минтақаларининг ўзига хос табиий, иқтисодий, тарихий-маданий имкониятларидан келиб чиқиб, жаҳон мусулмонларини Ўзбекистонга жалб этишда қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

– зиёрат туризмга тизимли маркетингли ёндашиш. Бу ўз навбатида Ватанимизнинг диний обидаларга бойлиги, тарихан ислом дини ривожланган минтақалардан бири бўлганлиги туризмнинг ушбу шаклини муваффақият билан ривожлантириш имкониятини яратади. Бугунги кунда Малайзия, Индонезия, Покистон, Саудия Арабистони, Афғонистон, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Марказий Осиё давлатлари каби мусулмон мамлакатларидан ташриф буюраётган кўплаб туристларнинг асл мақсади Республикамызда мавжуд диний обидаларни зиёрат қилишдан, танишишдан, ўрганишдан иборат бўлади;

– халқаро туризм индустриясида зиёрат туризмни ривожлантириш борасида халқаро миқёсда ҳаж ва умра сафарларига боришдан олдин Ўзбекистоннинг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилишни ташкил этиш ва такомиллаштириш;

– чет эллардаги мавжуд ваколатхоналаримиз орқали туризм бўйича Ўзбекистон салоҳиятини кўрсатувчи тақдимотларини мунтазам намойиш этиб бориш;

– тематик кўнгилочар боғлар, маданият объектлари (миллий музейлар, галереялар), туристик-рекреацион ҳудудлар ва кластерлар ташкил этиш, сайёҳлик намойишининг алоҳида объектларини куриш ва имижга доир бошқа лойиҳаларни амалга ошириш бўйича чет эл ва Ўзбекистон сармоядорларининг маблағлари, тижорат банклари кредитлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг бюджетдан ташқари маблағларини жалб қилиш ҳисобига туризм соҳасида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, инфратузилмаларни жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

² Travel & Tourism Economic Impact 2018 world.

³ 2019–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли Фармониغا илова.

⁴ Худаяров А. А., Пирматов Х. Р. Воздействие туризма на национальную экономику Индонезии // Сборники конференций НИЦ Социосфера. – Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro, 2014. – №. 39. – С. 262-265.